

23-оят. «Аллох иймон келтирган ва яхши аммал килган бандаларга берадиган хушxabари ана шудир! (Эй Мухаммад, Макка мушрикларига), айтинг: «Мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман, факат кариндошчиликдаги дўстлик якинлигинигина (яъни мен сизлар билан насл-насаб жихатидан кариндош бўлганим хакки-хурмати бу даъватимга тўскинчилик килмасликларингизнигина сўрайман)». Ким бирон чиройли амал килса, биз унинг учун ўша (чиройли амали)да яна хуснни зиёда килурмиз (яъни зиёда савоб ато этурмиз). Албатта, Аллох магфират килгувчи, яхшиликни билгувчидир». Ибн Аббос: «Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) Мадинага келганларида у кишига офатлар ва балолар етар эди. Буларни даф килиш учун кўлларида маблағ йўк эди. Шунда ансорлар: – Аллох бизни бу киши сабабли хидоят килди. У опангизнинг боласидир. Унга балою офатлар етяпти. Буларни даф килишда унинг кўлида маблағи йўқдир. У учун молимиздан маблағ йигамиз. Ўзимизга ҳам зарар бўлмасин, – дейишиб, шундай килишди. Улар уни Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)га олиб боришди ва: – Эй Расулulloх, сиз опамизнинг боласисиз. Аллох таоло бизни сиз сабабли хидоят килди. Сизга офатлар-балолар етяпти. Сизда мол-мулк йўқдир. Биз келишиб, молимиздан сизга ажратдик. Сизга келтирдик, шу билан бало-офатларга карши ёрдамланасиз, мана ўша, – дейишди. Шунда ушбу оят нозил бўлди. Кутода: – Мушриклар ўз йигинларида йигилишди. Ва бир-бирларига: «Нима деб ўйлайсизлар, Мухаммад килаётган ишлари учун ажр-пул сўрармикан-а?» – дейишди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килди.

27-оят. «Агар Аллох (барча) бандаларининг ризкларини кенг-мўл килса, албатта, улар ер юзида зулм-тажовузкорлик килган бўлур эдилар. Лекин у Зот (бандаларининг ризку рўзларини) ўзи хохлаганича ўлчов билан туширур. Албатта, у бандаларидан огох ва кўриб турувчидир». Бу оят – Суфа ахлидан бўлган кишилар хакида нозил бўлган. Улар дунёда мўл-кўлчилик ва бойликни орзу килишган эди. Хаббоб ибн Арат айтади: – Бу оят биз хакимизда нозил бўлган. Биз Бани Курайза ва Назир кабилаларининг молларини кўриб, бизга ҳам шулар бўлишини орзу килдик. Шунда Аллох табарока ва таоло ушбу оятни нозил килди. Амр ибн Хурайс айтади: – Бу оят Суфа эгалари хакида нозил бўлган. Улар: – Кани энди сизга молу дунё бўлса эди, дейишиб дунёни орзу килишган эди.

51-оят. «Бирон одам учун Аллох унга сўзлаши жоиз эмас, магар вахий – илхом оркали ё бирон парда-тўсик ортидан ёки бирон элчи-фаришта юбориб, ўша (фаришта Аллохнинг) изн-ихтиёри билан ўзи хохлаган нарсани вахий килиши оркали (сўзлар). Албатта, у Юксак Хикмат эгасидир». Яхудийлар Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)га: Агар сен Пайгамбар бўлсанг, Аллох билан гаплашиб, унга карамайсанми (кўрмайсанми)? Худди Мусо Аллох билан гаплашиб унга караганидек. Биз токи шуни килмагунингча, сенга иймон келтирмаймиз, – дейишди. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам): – Мусо Аллохга карамаган (кўрмаган), – дедилар ва ушбу оят нозил килинди.